

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲМОНОВА РАЪНОХАН КОСИМОВНА

**ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ТЕКСТ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ФУНКЦИЯЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation Abstract of the Doctor of philosophy (PhD)

Абдурахмонова Раънохан Косимовна Турли тизимдаги тилларда дейктик бирликларнинг текст ҳосил қилиш функциялари	3
Абдурахмонова Раънохан Косимовна Функции дейктических единиц в создании текста в разносистемных языках	21
Абдурахмонова Раънохан Косимовна The text creating function of dexis units in languages of different systems	37
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DS.c 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲМОНОВА РАЪНОХАН КОСИМОВНА

**ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ТЕКСТ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ФУНКЦИЯЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аггестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil221 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилга жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Набиева Дилора Абдухамидовна филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Усмонова Хурнишо Шариповна филология фанлари доктори, проф. Қаххорова Мавлуда Мукарамовна. филология фанлари номзоди, доцент.
Етакчи ташкилот:	Қўқон давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DS.c 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «27» апрел 2021 йил соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).


Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Ўб) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» апрел кунин тарқатилди.
(2021 йил «16» апрел даги 20 рақамли реестр баённомаси).




А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент


А.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида нутқий фаолият механизмларини англаш учун нутқ бирликларининг муҳим белгиларини аниқлаш, шунингдек, дейктик бирликларнинг конструктив моделларини яратиш ҳамда уларнинг семантик-структур жиҳатларини ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда дейктик кларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятларини очиб бериш, синтагматик эдиғматик муносабатларини аниқлаш ҳамда уларни моделлаштириш соҳа кини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида дейктик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари, уларнинг шаклий-мазмуний тузилишидаги ўзига хосликларни аниқлаш, хусусан, дейктик бирликларнинг структур-семантик ва коммуникатив-прагматик жиҳатларининг илмий тадқиқига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада дейктик бирликларнинг лисоний табиати ва бадиий-эстетик вазифаларини очиб бериш, лисоний хусусиятларини ўрганиш орқали тилнинг этномаданият билан боғлиқлигини, уларнинг лингвокультурологик ва лингвопоэтик хусусиятларини асослаш, лексемаларнинг вазифавий-мазмуний, этимологик ва статистик таҳлилини амалга ошириш, лексик-семантик ҳамда психолингвистик хусусиятларини аниқлаш, тилнинг ўзига хос миллий хусусиятларини, ментал белгиларини бошқа тиллар билан қиёсий тадқиқи кун тартибига қўйилмоқда.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида матн яратиш назарияси, дейкисларнинг нутқни шакллантиришдаги ўрни ва вазифасини аниқлаш, ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга бўлган дейктик бирликларни турли тиллар тизимида қиёслаш, уларнинг матн тузилишидаги ўрнини аниқлаш, матн мазмундорлигини ошириш, мулоқотни енгиллаштириш, ғализликка йўл қўймаслик ва таржималарнинг муқаммаллашишга оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда»¹. Бу, ўз навбатида, ўргани-лаётган тилнинг нафақат фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини, балки унинг халқ маданияти, маънавияти, миллий-ментал хусусиятларини акс эттирувчи унсурлари юзасидан илмий тадқиқотларни изчил амалга оширишни кун тартиби қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т. Ўзбекистон, 2016. -595. (Б. 14).

таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1 «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур муаммо ўзбек тилшунослигида ҳамда германистикада кам ўрганилган. Шунга қарамай, қисман бўлса-да, немис ва ўзбек тиллари мисолида Я.Р.Беньяминов, Т.З. Мирсоатов, С.Саидов, Ғ.Зикриллаев ва бошқа олимларнинг ишларида тадқиқ этилган². Инглиз ва ўзбек тилларида эса Ж.Бўранов, М.Т.Ирискулов, С.Раҳимов, А.С.Содиқов, Ў.Қ.Юсуповларнинг³ илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Умуман олганда, ҳозирги кунда дейксис мавзусига оид ишлар рус тилшунослигида А.А.Уфимцева, И.А.Стернин, А.А.Новожилова, А.А.Кибрик, Е.В.Падучева, Е.Л.Ерзинкян, И.Ю.Граневалар томонидан махсус тадқиқ этилган⁴.

Ғарбий Европанинг лингвистика мактаби вакиллари К.Бюлер, Р.Харвег Г.Фатера, В.Эрих, В.Клейн ва бошқа кўпгина олимларнинг илмий ишларида дейксис ҳодисаси атрофлича ўрганилиб, улар ўз тадқиқотларида дейксиснинг лексик, грамматик жиҳатларини таҳлил қилганлар. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида дейксис тушунчаси референциянинг бир усули, деб эътироф этилган ва ишора қилинаётган тил элементларини, яъни дейктиклар реал объект ёки бўлмаса аниқ вазиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган мулоқот иштирокчилари, нутқ макон ва замонига йўналтирилган.

Ҳозирги кунда ҳам дейксис тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб, фанда илк бор бу термин илмий нуқтаи назардан немис лингвисти ва руҳшунос олими К.Бюлер⁵ томонидан илмий муаммо сифатида таҳлилга тортилган.

Тилшуносликда дейксис мавзусига оид махсус диссертацион тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Инглиз тили мисолида В.И. Шматова, Е.Л.Ерзинкян, К.Ю.Щербаков, Н.А.Сребринская, О.А. Бесшапошникова, С.А. Пушминаларнинг⁶ илмий ишларида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

²Беньяминов Я.Р. Сравнительная типология немецкого и узбекского языков. Пособие для педагогических институтов (факультетов) иностранных языков. – Ташкент: Ўқитувчи, 1982. – 223 с.; Мирсоатов Т.З. Немис тили грамматикаси. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи. 1980. 191 б.; Саидов С., Зикриллаев Ғ. Немис тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 270 б.;

³ Бўранов Дж., Юсупов У.К., Ирискулов М.Т., Содиқов А.С. Грамматическая структура английского, узбекского и русского языков. – Т., 1966. – 246 с.; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан. 2007. – 125 с.; Yusupov U.K. Contrastive linguistics of the English and Uzbek Languages. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Т.: Akademnashr, 2013. – 288 б.

⁴ Қаранг: Уфимцева А.А. Типы словесных знаков / А.А. Уфимцева. - М., 1980.

⁵ Бюлер К. Теория языка: Репрезентативная функция языка. – М.: Прогресс, 1993. – 501 с.

⁶ Бесшапошникова О.А. Временной и пространственный дейксис в семантике фразеологических единиц современного английского языка: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1987. – 22 с. Ерзинкян Е. Л. Дейктическая семантика слова. – Ереван: Изд-во Ерев. ун-та, 1988. – 479 с.

Албатта, дейксис муаммоси роман тиллари, жумладан, француз тили материалида М.И. Виолина⁷ ва Е.Б. Савельева⁸ларнинг илмий ишларида ҳам махсус тадқиқ этилган. Немис тили материали асосида ҳам дейксис диссертация объекти сифатида тадқиқ этилган бўлиб, бундай тадқиқотлар А.Е. Бурованинг “Просодика как средство выражения поля дейксиса в современном немецком языке”⁹, шунингдек Е.Б. Стренадюкнинг “Проблема местоименности в тексте (на материале современного немецкого языка)” номли рисолида атрофлича ўрганилиб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда турли системадаги тилларда дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилиш функцияси муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида танланмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий ва прагматик тадқиқи» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли тизимдаги тилларда дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилиш функциясини социолингвистик, прагматингвистик, лингвокультурологик нуқтаи назардан ёритишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагича:

дейксиснинг тасниф асосларини аниқлаш ва уларнинг ифода имкониятларини ёритиш;

лисоний бирликларнинг дейктик хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг бадий матндаги ўрнини таҳлил қилиш;

матн таркибидаги дейктик бирликларнинг функционал хусусиятларини ёритиш;

вербал ва новербал матнларда дейктик бирликларнинг аҳамиятини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли тизимдаги тилларда ишора хусусиятига эга бўлган дейктик бирликлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли тизимдаги тилларда бадий матнларда учровчи дейктик бирликларнинг лексик-семантик, лингвокультурологик ва лингвостилистик хусусиятлари ҳамда уларнинг матн ҳосил қилиш функциялари ташкил этади.

Пушмина С.А. Текстовое многомирие и вход в него через ворота дейксиса: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2009. – 22 с.

Сребринская Н.А. Дейксис и его проекции в художественном тексте: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Волгоград, 2005. – 38 с.; Шматова В.И. Дейксис в системе глагола современного английского языка: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1976. – 23 с.

⁷ Савельева Е.Б. Дейксис и анафора как элементы актуализации авторской позиции (на материале автобиографической прозы Андре Жида): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2014. – 18 с.

⁸ Савельева Е.Б. Дейксис и анафора как элементы актуализации авторской позиции (на материале автобиографической прозы Андре Жида): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2014. – 18 с.

⁹ Бурова А.Е. Просодика как средство выражения поля дейксиса в современном немецком языке: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Н.Новгород, 2003. – 20 с.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, моделлаштириш, умумлаштириш, контекстуал ҳамда дистрибутив таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли тизимдаги тилларда дейктик хусусиятга эга бўлган бирликлар воқеланиш шакли, хусусий, прагматик, контекстуал функцияларининг тилнинг барча сатҳ бирликлари воситасида намоён бўлишнинг фонетик, морфемик, лексик, синтактик имкониятлари очиб берилган;

дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилишда матн қисмлари ўртасидаги кетма-кетликни таъминлаш, уларни бир-бирига боғлаш ҳамда мазмуний яхлитликни, узвийлик ва изчилликни таъминлаш сингари аҳамияти немис адабиётининг йирик намояндалари – Й.В.Гётенинг “Фауст” ва “Ёш Вертернинг изтироблари”, Ҳ.Маннинг “Содиқ фуқаро”, Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” ва “Қароқчилар” асарлари таҳлили мисолида очиб берилган;

таржима асарларда дейктик бирликларнинг боғланган матн ҳосил қила олиши, объектив борликда мавжуд муҳим алоқаларни акс эттириши, кириш, экспрессив, модал сўзлар орқали ифодаланган дейктик бирликларнинг лингвистик имкониятлари прагматингвистик нуқтаи назардан очиб берилган;

тилдаги фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳ бирликларининг маконга, замонга, шахсга, унинг ижтимоий-руҳий ҳолатига, дискурсив фаолиятга ишора қилиш хусусияти турли тизимдаги тиллар қиёси мисолида ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дейкисининг тилининг барча сатҳ бирликлари учун хос бўлган универсал ҳодиса эканлиги далилланган;

тилнинг фонетик, морфологик ва синтактик бирликларининг матн таркибидаги, мулоқот жараёнидаги дейктик функция бажариши мумкинлиги очиб берилган;

дейктик майдонда ядро ва периферия чегаралари аниқланиб, олмош ва равишларнинг дейктик майдон ядросидан ўрин олиши, тилнинг бошқа бирликлари эса периферияда жойлашиши исботланган;

вербал матнлар билан бир қаторда, новербал асарлар ҳам дейктик проекцияларга эга бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли тизимли тилларда дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилиш муаммолари бўйича ишлаб чиқилган хулосалар прагматингвистика, таржимашунослик, қиёсий стилистика ва лингвомаданиятшунослик фанлари йўналишида матн ва унинг структураси, матн мазмунининг коммуникатив асослари, дискурсив фаолият ва дискурс каби муаммоларнинг ечим топишида назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таҳлилга тортилган материаллар ва ишнинг хулосаларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўқитиладиган таржима назарияси ва амалиёти, стилистика, лингвокультурология, таржимашунослик, матн лингвистикаси фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар олиб бориш, бадиий таржимага оид махсус курслар ўтиш ва “Ёш таржимон” тўғараги фаолиятини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Турли тизимдаги тилларда дейктик бирликларнинг текст ҳосил қилиш функцияларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалардан:

дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилишда матн қисмлари ўртасидаги кетма-кетликни таъминлаш, уларни бир-бирига боғлаш ҳамда мазмуний яхлитликни, узвийлик ва изчилликни таъминлаш сингари аҳамияти немис адабиётининг йирик намояндалари – Й.В.Гётенинг “Фауст” ва “Ёш Вертернинг изтироблари”, Ҳ.Маннинг “Содиқ фуқаро”, Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” ва “Қароқчилар” асарлари таҳлилига оид хулосалардан №А-1-126 “Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 25 декабридаги 89-03-3397-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг тил компетентлиги-нинг ривожланишига таъсир этувчи таржима жараёнида сўзнинг муқобил вариантини топиш кўникмаларининг шаклланишига эришилган;

турли тизимдаги тилларда дейктик хусусиятга эга бўлган бирликлар воқеланиш шакли, хусусий, прагматик, контекстуал функцияларининг тилнинг барча сатҳ бирликлари воситасида намоён бўлиш имкониятлари хусусидаги хулосалардан А-1-39 “Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 25 декабридаги 89-03-3397-сон маълумотномаси). Натижада дейктик функцияларни бажарувчи сўзларнинг матнда ифодаланган воқелик кечаётган вазият (ситуация), воқеликлар ўртасидаги ўхшашлик (аналогия), фарқлилик (дифференциация), воқеликларнинг коммуникантларга таъсири, сўзловчи ва тингловчининг рухий ҳолати каби масалаларнинг илмий далилланиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та хорижий ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида тезис кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилди, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинди, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқлаб олинди, ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилди, тадқиқот методлари танланди ва ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар баён этилди, ишнинг синовдан ўтиши ва натижаларнинг жорий этилиши кабилар ёритилди.

Ишнинг биринчи боби «**Дейксис ва унинг матн таркибидаги ўрни**» деб номланиб, унда дейксис терминининг турли фанларда талқин этилиши, дейктик бирликларнинг хорижий ва ўзбек олимлари таклиф этган тавсиф ва таснифлари, категориялари ҳамда унинг матндаги хусусиятлари ўрганилди.

Дейксис атамаси грекча «*deixis*» сўздан олинган бўлиб, «ишора», «кўрсатиш» деган маъноларни билдиради. Дейксислар тил бирликларининг маъно ёки вазифасини кўрсатишига қараб лексик ёки грамматик бўлиши мумкин. Улар қуйидагиларни ифодалаб келиши мумкин:

а) нутқ фаолиятининг иштирокчиларига ишора сифатида. Масалан: (*мен, сен, менинг, сенинг*)

б) айтиладиган ҳодисанинг нутқ жараёнига нисбатан узоқ-яқинлигига ишора сифатида. Бу гуруҳда дейксислар, асосан, кўрсатиш олошлари ва равишлар билан ифодаланади. Масалан: (*у, бу, ўша, ана у*).

в) ҳодиса содир бўладиган замон ва маконга нисбатан ишора сифатида. Масалан: (*бузун, кеча, у ерда, бу ерда, шу ерда*)¹⁰.

Дейксис тушунчасига тилшунос олимлар турлича таъриф берадилар. Ч.Филмор “дейксислар тилнинг «ким», «қачон», «қаер»ни кўрсатувчи шакллари ҳисобланади”¹¹ - деб таърифласа, Р.Лакофф “улар сўзловчининг замон ва маконга нисбатан жойлашувини белгилайди”¹² -деб таҳлил қилади. Дейксислар лингвистик тадқиқот объекти бўлиб, матн маълум бир бўлагига, ибора ва, ҳаттоки, катта бир абзацга ишора қилувчи бирликлар ҳисобланади. Дейксислар, матн мазмундорлигини оширади, нутқни енгиллаштириш, ғализликка йўл қўймаслик мақсадида ишлатилади.

Дейксис, одатда, мулоқот жараёни билан боғлиқ бўлиб, мулоқот иштирокчиларини, ҳамда мулоқот вақти ва жойини кўрсатиб беради. Пирсинг фикрича¹³, тил орқали ифодалаш марказида дейксис экстралингвистик (прагматик аспектлар) ва лингвистик (ифоданинг аниқ тил воситаси орқали ифодлаш) ҳодиса сифатида мавжуд бўлади. Collinson таъкидлашича, «Ишора орқали фикрни ифодалаш умуман олганда тил тизимининг универсал хусусияти ҳисобланади»¹⁴. «Дейксисни ўрганишдаги асосий тушунча кўрсатиш тушунчасидир»¹⁵. Дейксиснинг кўрсатиш жараёни уч турни ўзи ичига олади:

¹⁰ Safarov Sh. S. Pragmalingvistika. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2008. – В. 32.

¹¹ Fillmore Ch. How to know whether you’re COMING or GOING? In: Essays on deixis. – Tübingen, 1983, – P-8.

¹² Lakoff R. Remarks on THIS and THAT. In: Papers from the tenth regional meeting of Chicago linguistic society. – Chicago, 1974. – P. 6.]

¹³ Пирс Ч.С. Логические основания теории знаков / Ч.С.Пирс – СПб: «Алтея», 2000. – с.221.

¹⁴ Collinson W.E. Indication; A Study of Demonstratives, Articles and other Indicators / W.E.Collinson // Language Monographs / Ed. By Morris A. V. – N 17, April – June, 1937, – P.128.

¹⁵ Кравченко А.В. Принципы теории указательности: авт. дис ...док. филол. наук / А.В. Кравченко. – Москва, 1995. – С. 37.

1) *ad oculus* – аниқ ҳис-ҳаяжон билан ўзлаштирилган объектларга тегишли ҳаракатлар ва мулоқот жараёнини ишора сўзлари билан тўғридан-тўғри ифодалаш;

2) *anaphora*, яъни дейктик майдон ва матн доирасидаги вербал манбалар ёрдамидаги ишорани;

3) *deixis ad Phantasma* – хотиранинг чуқур қатлампидан жой олган мавҳум жойни кўрсатиш (ёки белгили жойлар)¹⁶.

Дейксиснинг охириги тури, биринчи навбатда, бадий матнда намоён бўлади.

Ҳозирги кунда ҳам дейксис тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб, фанда илк бор бу ҳодиса немис тилшунос ва психолог олими К.Бюлер томонидан илмий муаммо сифатида таҳлилга тортилган ва у томонидан дейксисни қуйидаги уч турга бўлиш таклиф этилган:

1) кўз илғайдиган предметга ишора қилиш;

2) тасаввур қила оладиган предметга ишора қилиш;

3) анофорик ишора¹⁷.

Биринчи турдаги «ишора» сўзи остида олим дейктик сўзларнинг бевосита кузатув объекти сифатида қўлланилишини назарда тутган бўлса, иккинчи таснифда мулоқотдошларнинг ҳамжиҳатликда бирон бир нарсага ишора қилиш орқали орттирилган билим ёки бирон бир вазиятда сўзловчининг тавсифи тушунилишини таъкидлаб, анафорик ишорада сўзловчининг нутқ жараёнидаги бирон бир предметга ёки фикрга ишораси тушунилади, деган ғояни илгари сурган.

Тилшуносликда дейксиснинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Шахс дейксиси – нутқий акт қатнашчиларига ишора: *мен, сен, у, меники, сеники, уники, бешови, олтови* каби.

2. Макон дейксиси – воқеа- ҳодиса содир бўлган маконга ишора: *бу ерда, у ерда* каби.

3. Мулоҳаза объектининг яқин-узоқлик даражасига ишора: *бу, ўша, мана, ана* каби.

4. Замон/вақт дейксиси – мулоқот вақтига ишора: *шу ерда, бу ерда, ҳозир, у ерда* каби.

Замон дейксисларини яна қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) вақтнинг бир қисмини белгилашда қўлланиладиган дейксислар: *anfangs, bald, beizeiten, damals, dann, demnächst, eben, eher, endlich, früh, gerade, gestern, heute, heutzutage, jetzt, morgen, neulich, niemals, nun, schließlich, seinerzeit, soeben, sogleich, übermorgen, vorerst, vorgestern, vorhin, wann, zugleich, zuletzt, zunächst*;

2) вақтнинг давомийлигини ифодаладиган дейксислар: *allezeit, bisher, bislang, immer, lange, längst, nie, niemals, noch, seither, stets, zeitlebens*;

3) такрорийликни белгилашда ишлатиладиган дейксислар: *abends, bisweilen, dienstags, dreimal, einmal, häufig, jährlich, jederzeit, manchmal*,

¹⁶ Бюлер К. Теория языка: Репрезентативная функция языка. – М.: Прогресс, 1993. – С. 20-31.

¹⁷ Бюлер К. ўша асар. 80-б.

mehrmals, mittags, mitunter, monatlich, montags, nachmittags, nachts nochmals, oft, selten, täglich, vormittags, wiederum, wöchentlich, zeitweise, zweimal;

4) бошқа вақт қисми билан боғлиқ бўлган вақтни белгилашда (нисбий вақт) ифодалашда қўлланиладиган дейкислар: *indessen, inzwischen, nachher, seitdem, seither, unterdessen, vorher;*

Дейкис типологияси учун бинар тамойил муҳим ҳисобланади. Унга кўра, дейкисларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) ориентация турлари бўйича – *субъектив/объектив* дейкис;

2) номинация турлари бўйича – *аралаш/соф* дейкис;

3) кўрсатиш шакли бўйича – *аниқ/мавҳум* дейкис;

4) ифода шаклига кўра – *эксплицит / имплицит* дейкис.

Дейктик бирликлар қуйидаги маъноларни ўз ичига олади¹⁸:

1) ҳолатлилик; 2) эгоцентризм; 3) субъективлик; 4) қисқа муддатлилик.

Дейкислар тасниф асосига кўра турлича бўлиши мумкин, аммо улар бир-бирини инкор қилмайди:

1. Ишора предметига кўра: шахс, замон, макон дейкиси.

2. Тасаввурнинг иштирок этиш даражасига кўра: кўринишли дейкис, анафора ва фикрий дейкис.

3. Ифода манбаларига боғлиқ ҳолда: прагматик ва синтактик дейкис.

Дейкиснинг аниқланишида бу хусусиятлар турғун эмас, мулоқот жараёнида улар ўзгариши мумкин. Дейкис – бу баҳоланувчи воқеага нисбатан макон, замон, шахсдаги субъектив яқинлик ва узоқлик каби ишорага эга бўлган, мулоқотда эксплицит ва имплицит ифодага эга бўлган ҳодисадир.

Матннинг структур модели ўз ичига культуроген-дейктик ва олмошли дейктик механизмларни олади. Бунда олмошли дейктик механизм кенгайтирилган матннинг горизонтал ўқи бўйлаб жойлашган бўлади. Культуроген дейктик механизм эса матннинг ботинида вертикал жойлашади.

Бадиий матнда муаллиф томонидан дейкисга нисбатан қўйилган шартлар ичида қуйидагилар эътиборлидир:

1) сўзловчи модель – тингловчи ҳисобга олинмайди;

2) ўқувчилар томонидан ментал модель амалга оширилади;

3) аксарият воқеалар дейктик марказда содир бўлади.

Диссертациянинг «**Лисоний бирликларнинг дейктик имкониятлари**» деб номланган иккинчи бобида тил сатҳлари бўйича ҳар бир сатҳ бирликларининг дейктик имкониятлари кўриб чиқилади.

Тилдаги товуш бирликлари луғавий маъно англатмасада, сўз ва морфемалар таркибида маънога таъсир этиш хусусиятига эга. Нутқ жараёнида ёндош товушлар таъсирида ёки сўз таркибида жойлашган ўрнига кўра турли фонетик ўзгаришларга учраши мумкин. Бундай фонетик жараёнлар ихтиёрий амалга оширилиши ҳам мумкин. Шундай ҳолатларда фонетик бирликлар сўзловчининг руҳиятини, эмоционал ҳолатини ифодалаш имкониятига эга бўлиб, дейсис хусусиятини олади. Масалан, *э-э-эски* сўзида товушнинг чўзилиши натижасида предметнинг эскиргани ва шу билан бирга унинг замонига ишорани ифодаловчи дейкис мавжуд бўлиб, шу предметга, воқеа-ҳодисага, сўзловчининг субъектив муносабатига ҳам ишора қилади.

¹⁸ Ерзинкян Е. Л. Дейктическая семантика слова. – Ереван: Изд-во Ерев. ун-та, 1988. – С.479.

Товушларнинг чўзилиши макон ва замон қиймати учун миқдорий индикатор ҳисобланади: *Далеко-о-о!* / *До-о-олго* аксарият ҳолатларда ишора маъносини англатади, *Далеко!* *Долго* / *Далеко-о-о!* / *До-о-олго* дан кўра қисқа товушлар билан ифодаланган ҳолда, масофа ҳамда вақтнинг меъёрий кўрсаткичларига қўшимча маъно юкламайди¹⁹.

Шунингдек, мазкур бобда морфемаларда замон дейксиси масаласига ҳам эътибор қаратилиб, немис ва ўзбек тилларидаги замон категориясининг дейктик характерга эга эканлиги ёритиб берилган.

Тилларда феъллардаги тур (ўзбек тилида мавжуд эмас) ва замон грамматик категорияси кучли дейктик частотага эга. Феъллардаги вид (тур) иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатига ишора қилади²⁰.

Локализация категорияси ориентация категорияси билан боғлиқ. Локализация тушунчасини ўрганиш имконияти ономасиология дунёсида сўз яшаш бирлиги ва синтаксис асосида юзага келади. Маконни ифодалаган айрим ифода элементлари синтактик birlikлар таркибида эксплицит тарзда (*der Hof ist vor dem Haus*) ифодаланади. Бу каби конструкциянинг тузилишида маълумотнинг муайян қисми имплицит тарзда ифодаланади – *Vorwerk* – уйнинг олд қисмидаги ҳовли. Бу ерда предмет (*Garten*) ва унинг координатлари (*Vordergrund*) эксплицит тарзда ифодаланган, яширин компонентлар эса предметнинг (*das Haus*) ўрин жойини аниқлаштиришга нисбатан ориентир ҳисобланади.

Лексикада дейктик birlikлар таркиби ҳали тўлиқ аниқланмаган констант ва вариатив гуруҳни ташкил этади. К.Бюлер буларга нисбатан «Кўрсатиш майдони» атамасини кўллаган. Дейлик, майдон марказида олмошлар, шунингдек, дейктик равишлар *шу ерда* ва *ҳозир* кабилар жойлашган. 1 ва 2 шахс олмошлари дейктик сўзлар ҳисобланади, 3 шахс олмошлари ё анафорик дейкис, ё фақат анафора ҳисобланади²¹. Дейкиснинг марказий категорияси нутқ эгаси категорияси ҳисоблангани боис, семантик жиҳатдан сўзловчига ва нутқ вазиятига ишора қилиш учун йуналтирилган birlikлар (олмошлар ва равишлар) дейктик майдоннинг марказини ташкил этади.

Муаллифнинг бир қатор ишларида турли сўз туркумларига оид дейктик мазмун компонентига эга лексик birlikлар дейктик майдонга жойлаштирилган бўлиб, сўзловчи ёки адресатга ҳамда маконга ишора қилиш хусусиятига эга бўлган сифат-дейктиклар гуруҳи алоҳида ажратилади. Жойни кўрсатувчи сифатларга қуйидагилар киради:

а) субъектив ишоранинг оппозитив жуфтликлари: *link/ richtig, Rücken / Vorderseite, weit / Nähe*;

б) объектив ишоранинг (бошқасига нисбатан предметнинг характеристикаси).

Вақтни ифодаловчи сифатларга қуйидагилар киради:

¹⁹ Кодзасов С.В. Фонетическая символика пространства (семантика долготы и краткости) / С.В.Кодзасов // Логический анализ языка. Языки пространств. [Отв. ред. Н.Д.Арутюнова, И.Б.Левонтина] – М.: Языки русской культуры, 2000. – С. 227-238.

²⁰ Якобсон Р. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол / Р.О Якобсон // Принципы типологического анализа языков различного строя. –М. 1972.—С.95-113.

²¹ Buhler.K.Dexis ad Phantasma and the anaphoric Use of Dextic Words/N.York. 1982/-P 20-31

а) ўтган замонда ҳаракатнинг замонини билдирган сифатлар характеристикаси: *кечаги, ўтган йилги, ўша вақтдаги; vorhergehend, vorgehend;*
б) келаси замонда: кейинги, келгуси, яқинлашиб қолган; *nächst, futurisch, entgegenkommend;* в) бошқа ҳаракат билан бир вақтда содир этилаётган ҳаракатнинг характеристикаси: *zeitgenössisch, simultan.*

Предлогларнинг дейктик майдонга қарашлилиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Мақсад ва ҳаракатнинг тугалланган жойини билдирган предлоглар, объектнинг, макондаги йуналтирилган нисбий жой алмаштиришини кўрсатади ва аслига кўра дейкислар ҳисобланади.

Артиклнинг дейктик характеристикаси К.Бюлер томонидан айтиб ўтилган. Артиклни дейктик ифодаланиш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бўйича самарали ёндашувга артиклнинг дейктик хоссалари асос бўла олади.

Лингвистик ишорада биринчи планга дейктиклар бирликларнинг «биз исмларнинг вазифасини бажарамиз» вазифаси чиқади. Шунинг учун дейкисларни кўпинча субститут сўзлар деб атайдилар. Яъни «маълум бир такрорий вазиятларда, тил формаларидан ушбу синфга тааллуқли, ҳар қандай сўзнинг ўрнини боса оладиган тил формаси ёки грамматик ходисадир». Субституциянинг кўрсатиш ёки дейкис типлари, сўзловчи ёки тингловчига нисбий яқинликка асосланган бўлади. Тилда олмошлардан ташқари, субститутларнинг равишга оид шакллари ҳам учраб туради: *hier, dort, hierher, dorthin, daher von da.* Демак, ўзгармас дейктик бирликлар гуруҳига қуйидаги сўз туркумларини киритиш мумкин: олмош, равиш, йуналтирилган ҳаракатни билдирувчи феъллар, ҳаракат феълларидан, атрибутив бирликлардан, предлоглардан, артиклардан ясалган отлар.

Гапда дейкиснинг ифодаланиши ва грамматик категориясига тўхталадиган бўлсак, грамматик категориянинг субъективлиги, кўринмас сув ости оқими бўлиб, кўп ҳолларда умумий вазиятни, яъни инсон томонидан идрок этиладиган умумий манзарани аниқлаб беради. Кўплаб грамматик шаклларни танлаш, маълум қилинаётган далилга нисбатан сўзловчининг муносабатига боғлиқдир. Немис тилидаги икки гапни таққослаймиз: *Hallo, als ob er krank ist. Er sieht aus, als wäre er krank.* Майлнинг танлови, сўзловчи танишининг касал ҳолатини қай даражада реал қабул қилаётганига боғлиқдир. Сўзловчининг муносабати қандай бўлса, тингловчининг идрок этиши ҳам ушбу жараёнга ўхшаб кетади. Бошқа бир ҳолатда, феъл шаклини танлаш, сўзловчининг ҳозирда ўтган воқеаларнинг оқибатларини назарда тутаётганини кўрсатади: *Sie haben sich bitter gestritten. Sie haben sich bitter gestritten.* Рус тилидаги «Они ездилар Москва» ва «Они сьездилар Москва» гапларидаги иккинчи ҳолатда сўзловчи бўлиб ўтган сафар ҳақида билиши ва кутилган воқеа амалга оширилгани ҳақида сўзлаётганини ифодаламоқда. «Гапнинг ифодаланиши унинг таркибига кирган морфемалардан бевосита ташкил топмайди, лекин ушбу гапнинг асосида ётган синтактик конструкция ифодаланишини ўз ичига олади».²²

Грамматик конструкцияда «кузатувчининг» қатнашиши адресатга ҳар доим ҳам сезилмайди. Грамматик шакллар сўзловчи призмасидан ўтказилади ва адресат томонидан маълум бир даражада субъектив қабул қилинади. Бу айнан

²² Ehrich V. Hier und Jetzt. Studien zur lokalen und temporalen Deixis im Deutschen. – Tübingen. 1992, – S. 82.

бир факт ҳақида «Стакан ярмигача бўш» ва «Стакан ярмигача тўла» деб маълумот бериш мумкин бўлган ҳолатдир. Иккала ҳолатда ҳам факт абсолют тўғри келтирилган, фақатгина сўзловчининг ушбу фактга муносабати ўзгарган ҳолос. Бу хабар шундайлигича адресатга етказилади.

Замон координаталари объектларни эмас, фактларни характерлайди. Шунинг учун, замон координаталарини ифодалаган замон категориялари фақатгина сўз ўзгартирувчи категорияларида мавжуд. И. А. Мельчук улардан тўрттасини келтириб ўтади: абсолют замон, нисбий замон, вақтинчалик масофа ва натижа²³. Абсолют замон ва вақтинчалик масофа – булар шифтер категориялардир. У максимум тўрт граммемадан ташкил топади: *очень близко - близко - далеко - очень далеко*.

Маълумки, немис тилида рефлексив кўп ҳолларда доимий антецедент билан боғлиқ бўлган – *sich* ўзлик олмоши билан ифодаланади. Шунинг учун немис рефлексивининг функцияси – анафорик ҳисобланади. Демак, немис тилида ўзлик даражаси дейкиснинг функцияси ҳисобланган анафорик имкониятларни қамраб олади. Бундан ташқари, инглиз ва рус тилидаги ўзлик олмошлар қўлланилишидаги ўзига хосликка кўра, умумий денотат билан эмас, аниқ бир референт билан мутаносиблаштирилади ва субъектни аниқлашда иштирок этади.

Шахс категорияси феълнинг муносабат ифодаловчи категорияси ҳисобланади. Р.О. Якобсон шахсни мулоқот жараёни билан маълумотнинг боғлиқлигини, хусусан, сўзловчи билан тингловчининг боғлиқлигини билдирган қисмлардан ташкил этилганлиги учун шифтер категориялар сафига киритади. «Шахс категорияси суперкатегория ҳисобланади, чунки шахс сўзларнинг кўплаб синфига оиддир»²⁴.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Турли тилларда дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрни**» деб номланиб, унда бадий матнда дейктик бирликлар, новербал бадий матнларда дейктик бирликларнинг матн ҳосил қилиш функцияси ва турли тизимли тилларда матн таркибида дейкисларнинг ифодаланишига оид масалалар ўз ечимини топган.

Тил қонунларига кўра, тилнинг кичик бирликлари тилнинг катта бирликлари таркибида бўлади. Маъно англаган барча тил бирликлари дейктик семаларга эга бўлиши мумкин. Бадий матндаги дейктик проекциялар дейкиснинг майда бирлиги бўлмай, балки унинг янги кўринишидир. Бадий матн таркибидаги дейкислар фонема, морфема, лексема ва гаплар воситасида воқеланиши мумкин. Лексика таркибидаги дейкис матн бошидаги шахс, замон ва макон координаталарини ўрнатиш орқали юзага келади. Бу координаталар атоқли отлар орқали ифодаланади. Бу каби координаталарнинг мавжудлиги реал ҳикоя ва ҳатто фантастик жанр ҳиссини уйғотади. Демак, бадий матндаги дейкис турли лисоний воситалар асосида шаклланади.

Анофорик алоқалар кўпинча биринчи ва иккинчи абзацлар доирасида амалга оширилади. Баён этиш доимо ҳаракатда иштирок этиш таъсирини ва ҳаракатнинг кузатувчанлигини ҳосил қилувчи биринчи шахс номидан олиб

²³ Мельчук.И.А. Курс общей морфологии. Т.2.ч. 2: 1998. –С.543.

²⁴ Якобсон.Р.О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол / Р.О Якобсон // Принципы типологического анализа языков различного строя . –М. 1972.—С.95-113.

борилади. Атоқли отлар ва кишилиқ олмошлари Ю.Н.Тыньянов фикрига кўра, бадий матнинг «энг йирик семантик бирлиги»²⁵ ҳисобланади. Бу каби семантик боғлиқликни бадий асар матнида кўп учратиш мумкин. Аммо анафора бир нечта гапларга бўлинганда ёки турли абзацларда жойлаштирилганда, анофорик алоқаларнинг бўлинган элементлардан кўра ҳам кўп эканлиги кўринади. Қуйида Й.В.Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романидан олинган матнларга эътиборимизни қаратамиз:

Die Stadt	Шаҳар
Die Stadt selbst ist unangenehm, dagegen rings umher eine unaussprechliche Schönheit der Natur [Die Leiden des jungen Werhters, 6].	Шаҳарнинг ўзи унчалиқ диққатни тортмайди, бироқ унинг гўзал табиятини тасвирлашга сўз топилмайди [Ёш Вертернинг изтироблари, 10].
Gegend	Ўлка
Gegend (Ich weiß nicht, ob täuschende Geister um diese Gegend schweben, oder ob die warme, himmlische Phantasie in meinem Herzen ist, die mir alles rings umher so paradisisch macht.[Die Leiden des jungen Werhters, 7]	Бу ўлкани алдамчи руҳлар эгаллаб олганми ёки ўзимдаги енгил, ҳавойи ҳиссиётлар бутун борлиқни бамисоли жаннат қилиб кўрсатяптими, билмайман [Ёш Вертернинг изтироблари, 11]
Ort	Бу ерлик
Die geringen Leute des Ortes kennen mich schon und lieben mich, besonders die Kinder [Die Leiden des jungen Werhters, 8]	Бу ерлик оддий кишилар, айниқса болалар, мени аллақачон таниб, севиб қолишган [Ёш Вертернинг изтироблари, 13] ²⁶

